

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил декабрь ойининг 12 кунда жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Х.Аминов, судья ёрдамчиси А.Хамраевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тойлоқ туман прокурори катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Сатторов ҳамда жабрланувчи Ж.Ариповларнинг иштирокида, судланувчи [REDACTED] нисбатан №1-1415-2501/230-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]
Фарғона вилояти Данғара туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам;

1) жиноят ишлари бўйича Пешку туман судининг 29.12.2022 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг 04.11.2024 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган,

3) жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 27.05.2025 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 7.07.2025 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони ўтамоқда, Фарғона вилояти, Данғара тумани, Ғумайли қишлоғи, 48-уйда яшайди, иш бўйича унга “таров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 14.11.2025 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчини кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи [REDACTED] хавфли рецидивист бўлиб туриб, фирибгарлик, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, “Telegram” ижтимоий тармоғидан фойдаланиб, ўзининг 91-691-09-93 рақамига расмийлаштирилган профилини “Хамидхон” деб номлаб, “Isuzu Zapchast” деб номланган гуруҳга кириб, “Газель” русумли автомашинанинг протектор шинаси ўрнатиладиган дискаларни сотиб олиш ҳақидаги сўров эълонини жойлаган Тўракулов Жасур Акпаровичга “Telegram” ижтимоий тармоғидаги саҳифасига ўзи ёзиб, гўёки унда дискалар мавжудлигига ишонтириб, унга Интернет жаҳон ахборот тармоғидан юклаб олинган дискаларнинг фотосуратларини юбориб, олдиндан тўлов қилса, такси орқали юборишни ваъда қилиб, 2025 йил 27 апрель куни “Universalbank” АЖ томонидан ўзининг номига расмийлаштирилган 9860 2301 0214 2786 пластик картасига 1.800.000 сўм пулларни ўтказиб олишга эришиб, берган ваъдасини бажармасдан, ўзганинг мулкани фирибгалик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Судланувчи Ахмедов Хамидхон Нуриддинхўжа ўғли суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у отаси Ахмедов Нуриддинхўжа Вахобхўжаевич оғир бетоб бўлганлиги, даволанишига пул зарур бўлганлиги сабабли, лекин ўзининг қарзлари кўп бўлганлиги учун қаердан пул олишни билмасдан, “Telegram” тармоғидаги “Isuzu grupper” номли гуруҳига кирганлигини, “Жамшид” исмли шахснинг 16 ўлчамли “Газель” русумли автомашиналарнинг дискасидан кераклиги бўйича сўров эълонини турганлигини кўрганлигини, ушбу шахсдан пулларни алдаб олиш нияти пайдо бўлиб, унинг ўзининг профилига ёзиб, унда гўёки 16 ўлчамли “Газель” русумли автомашинанинг дискаси борлигини айтиб, интернет орқали олинган фотосуратларни унга юбориб, олдиндан тўлов қилсагина унга дискаларни юборишини ёзганлигини, шунда Жамшид исмли шахс 4 дона дискаларни олишини айтганлигини, унга дискларни ҳар бири 450.000 сўмданлигини айтганлигини, Жамшид пулини олдиндан тўлашлигини, такси орқали дискаларни юборишини илтимос қилганлигини, унга ўзининг номига расмийлаштирилган 9860 2301 0214 2786 пластик тўлов картасига 1.800.000 сўм пулларни тушириб олганлигини, ушбу пулларни ўзининг эҳтиёжи учун сарфлаганлигини, Жамшидни турли баҳоналар билан алдаб, вақтни чўзиб келганлигини, кейин уни пластик картаси орқали аниқлаб келишганида у Жамшиднинг пластик тўлов картасига 1.800.000 сўм пул маблағини қайтариб ташлаб берганлигини, ҳозирги кунда қилган қилмишидан пушаймонлигини, у интернет орқали излаб, шу телеграмдаги

эълонлардаги фотосуратлардан фойдаланиб, “Газель” русумли автомашинанинг дискасининг фотосуратини унга ташлаб берганлигини, аслида унда ундай 16 ўлчамли “Газель” русумли автомашинанинг дискаси мавжуд эмаслигини, у Арипов Жамшидни алдаб пулини олиш учун шундай қилганлигини, 9860 2301 0214 2786 рақамли пластик тўлов картаси унинг номига “Universalbank” томонидан расмийлаштирилган бўлиб, ушбу пластик тўлов картаси ҳисобида ҳозирги кунда пул маблағи мавжуд эмаслигини, ИИБ ходимлари Жамшидни у алдаганлигини билишганидан кейин пластик тўлов картасини ҳисобини музлатишганлигини, унга қадар пластик тўлов картаси ҳисобидаги пулларни ҳаммасини, хусусан Жамшид Арипов ташлаб берган 1.800.000 сўм пулларни ҳам ишлатиб сарфлаб бўлганлигини, Ж.Арипов билан “Telegram” орқали олиб борган ёзишмалари ўзига тегишли бўлган “Samsung A21” русумли телефон аппарати орқали амалга оширилганлигини, ушбу телефон аппаратини ИИБ ходимларига топширганлигини, “Telegram” саҳифаси тушунганлиги сабабли, фуқароларга ишончга кириш осон бўлиши учун фотосуратларини ҳам юбориб алдаганлигини, Ж.Ариповдан ташқари бирон бир шахсни ишончига кириб, алдаб пулларини олмаганлигини, бундан олдин алдаб пулларини олганлиги ҳолати бўйича унга нисбатан суд ҳукми чиққанлигини, у ҳозирги кунда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаб келаётганлигини, Ж.Ариповнинг ишончига киришда фойдаланган “Telegram” саҳифасидаги профиль телефон рақами 91-691-09-93 рақами ўзининг номига расмийлаштирилган, ушбу телефон рақамидан у тахминан 5-6 ой олдин расмийлаштириб олганлигини, у Ж.Ариповнинг ишончига киришида унга бирон бир шахс ёрдам бермаганлигини, Ж.Ариповнинг ишончига кириб кўлга киритилган пул маблағини қарзларим эвазига ўтказиб берганлиги ҳақида баён қилиб, ҳозирги кунда етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судда, судланувчи ██████████ содир этган жиноятига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, бундан ташқари унинг айби қўйидаги далиллар билан ўз тасдиғини топади,

Жумладан, судда сўралган жабрланувчи Арипов Жамшид Хуррамовичнинг, у ўзига тегишли бўлган “Газель” русумли юк автомашинасини бошқаришини, унга керак бўладиган эҳтиёт қисмларни телеграм ижтимоий тармоқдаги “Водий запчаст” деб номланган канал орқали эълон бериб, эълон орқали керакли маҳсулотларни сотиб олганлигини, 2025 йил 26 апрель куни “Водий запчаст” деб номланган каналга “Гезель” автомашинаси учун “без камер 16 диска керак” деб хабар ёзганлигини, шунда унга телеграм орқали унга шахсий чат орқали “Хамидхон” деб номланган шахс унга ёзганлигини, унда у сўраган диска борлигини ёзганлигини, дискаларни суратларини ташлаб бериб, ҳар бирини 450.000 сўмдан сотишини маълум қилганлигини, шундан сўнг у билан келишиб, келишувга кўра 2025 йил 26 апрель куни “Хамидхон” ташлаб берган 9860 2301 0214 2786 рақамли пластик тўлов картасига жами 1.800.000 сўм пул маблағини ташлаб берганлигини, пул тушгандан сўнг дисклар унга 1 кунда унга етиб келишини айтганлигини, лекин белгиланган муддат ўтиб кетсада буюртма қилинган

дискалар келмаганлигини, у турли баҳоналар билан уни алдаб келганлигини, у Хамидхонни танимаслигини, унинг телефон рақами йўклигини, у билан телеграм орқали гаплашиб турганлигини, Ахмедов Хамидхон Нуриддинхўжа ўғлининг шахси ҳақида маълумотга эга эмаслигини, лекин ИИО ходимлари томонидан унинг шахси аниқлангандан кейин унга ўзи тўғридан-тўғри муружаат қилиб, ундан кечирим сўраганлигини, Х.Ахмедов томонидан унга етказилган моддий зарар ихтиёрий бартараф этилганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўклиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] айби, иш хужжатларида мавжуд билдирги, жабрланувчи Ж.Ариповни аризаси, Пайнет шахобчаси орқали пул ўтказилганлиги ҳақидаги, жабрланувчи Ж.Арипов тушунтириш хатига илова қилган телеграм ёзишмалар нусхаси, олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси, жабрланувчининг судланувчи [REDACTED] томонидан моддий зарар ихтиёрий бартараф этилганлиги ҳақидаги тилхат, ашёвий далил ва рақамли далил деб эътироф этиш қарорлари, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят иши бўйича барча тўпланган, текширилган, ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланган далиллар мажмуи билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] фирибгарлик, яъни хавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишда ифодаланган хатта-ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри, бироқ уни қилмиши ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” банди билан нотўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” бандида ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан фирибгарлик жинояти содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Олий суд Пленуми қарорининг 22-бандида, ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖК 168-моддаси учинчи қисми «г» банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш.к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари, алоқа воситаси, планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилиши, бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимида ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Манипуляция сўзининг луғавий маъноси – ўзгартириш, таҳрирлаш, таъсир ўтказиб бошқариш, таъсир ўтказиш маъноларини англатади.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчи [REDACTED] жабрланувчи Ж.Ариповнинг мулкани алдов йўли билан уяли алоқа қурилмаси ёрдамида “telegram” мессенджеридан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш жараёнида компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш ёки компьютер тизимига ёлғон ахборот киритиш йўли билан содир этмаган, аксинча жабрланувчи Ж.Арипов алдов таъсирида ўз ихтиёри билан Пайнет шахобчаси орқали пул ўтказиш йўли билан ташлаб берилган банк пластик карталарига пул ўтказиб берган.

Қолаверса, ўзлаштирилган пул маблағлари молия, банк муассасалари, фондларга тегишли эмас, аксинча фуқароларга тегишли ҳисобланади.

Ваҳоланки, ЖПКнинг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ва ЖПКнинг 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги;

ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Шунга кўра, суд судланувчи [REDACTED] жабрланувчини мулкани ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда алдаш йўли билан фирибгарлик орқали қўлга киритган деб ҳисоблаб бўлмаслиги сабабли, уни айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” бандини чиқариб, ишни шу қисмини тугатишни лозим деб топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, уни айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо турини белгилашда, нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принциплари, шунингдек Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг

тушунтиришларга риоя қилиб, содир этилган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиш билан бирга, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қоплангани, моддий зарарни миқдори, жабрланувчи Ж.Ариповни даъвоси йўқлиги, оилавий шароити ва шахсини ҳисобга олиб, уни хулқини назорат қилиш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, айбли деб топилаётган жинояти учун қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ва қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2025 йил 7 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан тайинланган жазога қисман кўшиш йўли билан ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлашни лозим топди.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчи Ж.Ариповга етказилган моддий зарар судланувчи [REDACTED] томонидан тўлиқ қопланганлигини инобатга олади.

Суд, жиноят иши бўйича рақамли далил деб эътироф этилган жабрланувчи Ж.Арипов томонидан тақдим этилган [REDACTED] билан “Telegram” орқали олиб борган ёзишмаларнинг экран қирқма тасвири, ундаги пул маблағининг кўчирганлик электрон маълумотлари қайтариб берилганлиги инобатга олишни, шунингдек ёзма далил деб эътироф этилган банк томонидан [REDACTED] номига “Universalbank” АЖ томонидан расмийлаштирилган 9860 2301 0214 2786 рақамли пластик картасининг пул маблағи айланмалари тарихи жиноят ишига кўшилганлигини инобатга олишни лозим деб топди.

Бундан ташқари, суд, жиноят қуроли деб эътироф этилган “Samsung Galaxy F 16” русумли уяли телефон аппарати судланувчи [REDACTED] қайтаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат фойдасига ундириш шарти билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

[REDACTED] жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2025 йил 7 июлдаги ҳукми билан тайинланган

жазони ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил иш ҳақидан 20 (йигирма) фоиз миқдорида давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Фарғона вилояти, Данғара туман ИИБ Пробаця бўлими белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати судланувчи [REDACTED] аввалги ҳукм бўйича иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини таъминлаш Данғара туман туман ИИБ Пробаця бўлими зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ҳамда “Дамас” русумли 40 F 049 JA давлат рақамли белгили транспорт воситаси Каримов Қодиржон Мухаммаджон ўғлига тегишли тартибда топширилсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчи Ж.Ариповга етказилган моддий зарар судланувчи [REDACTED] томонидан тўлиқ қопланганлигини инобатга олинсин.

Жиноят иши бўйича рақамли далил деб эътироф этилган жабрланувчи Ж.Арипов томонидан тақдим этилган [REDACTED] билан “Telegram” орқали олиб борган ёзишмаларнинг экран қирқма тасвири, ундаги пул маблағининг кўчирганлик электрон маълумотлари қайтариб берилганлиги, шунингдек, ёзма далил деб эътироф этилган банк томонидан [REDACTED] номига “Universalbank” АЖ томонидан расмийлаштирилган 9860 2301 0214 2786 рақамли пластик картасининг пул маблағи айланмалари тарихи жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Жиноят қуроли деб эътироф этилган “Samsung Galaxy F 16” русумли уяли телефон аппарати судланувчи [REDACTED] тегишли тартибда қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

/имзо/

Х.Аминов

Аслига тўғри: